

Зиявитдинов Ҳабибулло Ҳамидович.

Бухоро давлат университети таянч докторанти,
habibziyavitdin@gmail.com

БУХОРО ВИЛОЯТИДА РЕСТОРАН ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация:

Кириш. Мақолада Бухоро вилоятида ресторан тадбиркорлигининг ўзига хослиги, ресторан тадбиркорлигининг ривожланиши, ундаги хизмат турларининг кенгайиб ва такомиллашиб бориши, ресторан тадбиркорлигининг асосий вазифалари, хизматлар бозорида кўрсатилаётган хизматлар таркибида ресторан тадбиркорлиги соҳасининг ривожланиш омиллари ва тенденцияларига оид таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда таққослаш, индукция, дедукция, таҳлил ва синтез, кузатув усуллари ҳамда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидадан фойдаланилган.

Натижалар ва муҳокамалар. Хизматлар бозорида кўрсатилаётган хизматлар шартли равишда истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматларга бўлинади. Шунингдек, ушбу хизматларни тақдим этилиш муддатига қараб, бир вақтда ҳам истеъмолчиларга, ҳам тадбиркорлик субъектлари (корхоналари)га кўрсатиладиган хизматларга таснифланади. Бугунги кунда республикамиз ижтимоий-иқтисодий тизимида амалга оширилаётган сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хулоса. Тадқиқот натижаларига кўра, ресторан корхоналарида иқтисодий самарадорликка эришиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқариш тизимини модернизациялашда илмий асосланган компетентли ёндашув рақобат устунлигига эришиш воситаси ҳисобланади.

Калит сўзлар: ресторанларда бошқариш тизими, хизматлар, хизматлар бозори, иқтисодий фаолият, иқтисодий самарадорлик, инновацион иқтисодиёт.

Кириш.

Мақолада Бухоро вилоятида ресторан тадбиркорлиги, ресторан тадбиркорлигининг ривожланиши, ундаги хизмат турларининг кенгайиб ва такомиллашиб бориши, ресторан бизнеси, ресторан тадбиркорлигининг асосий вазифалари, хизматлар бозорида кўрсатилаётган хизматлар таркибида ресторан тадбиркорлиги соҳасининг ривожланиш омиллари ва тенденцияларига оид таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Ҳозирги вақтда ресторан тадбиркорлигининг ривожланиши, ундаги хизмат турларининг кенгайиб ва такомиллашиб бориши йирик корпорациялар ва ресторанлар тармоғини пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ушбу ёндашув ресторан бизнесида тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятини ривожлантириш учун қўшимча ресурсларни жалб қилиш имконини беради.

Ресторан бизнесининг тадбиркорлик тузилмалари уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мустақиллигини ўзгартирмаган ҳолда ҳамкорликда маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот тадбирларини ўтказиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ягона тизимини шакллантириш имконини берувчи уюшмалар ҳамда ассоциациялар ташкил этиш орқали мувофиқлаштирилади.

Бозор иқтисодиёти - иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобат муҳитини талаб этади. Бундай шароитда фирмалар фаолияти йўналиши ва корхона ҳажмидан қатъий назар, уларни бошқариш тизими ва усулларида тегишли ўзгаришларни талаб қилади. Ресторан бизнеси бугунги кунда рақобат даражаси ошиб бораётган соҳадир. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйлаб кўп сонли ресторанлар фаолият юритмоқда. Ресторан бизнеси

бозорида янги очилган корхоналарнинг айримлари рақобатга дош бера олмайди ва бозордан чиқиб кетади. Рақобат ресторан бизнесидаги тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш учун кучли рағбатдир.

Ресторан тадбиркорлигининг асосий вазифалари рақобатдош устунликларни яратиш ва рақобатбардошликни ошириш, истеъмолчиларни жалб этиш орқалидоимий мижозларгаэга бўлиш, ривожланишнинг янги усуллари излаш ва яратиш, динамик ривожланаётган бозорни ҳисобга олган ҳолда ўзйўналишларини доимий равишда янгиллаб туриш ҳисобланади.

Республикамизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида умумий овқатланиш корхоналарининг кенгайиб бориши билан бирга, уларда кўрсатилаётган сервисга талаб ҳам ўсиб бормоқда. Умумий овқатланиш корхоналарида тақдим этилаётган сервисни янада ривожлантириш, истеъмолчилар талабларини чуқур ўрганган ҳолда ва унга мос равишда ташкил этиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Овқатланиш хизматларини тақдим этаётган корхоналар ишини такомиллаштириш мақсадида замонавий ёндашув талаб этилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга экан, ушбу соҳа нафақат инсонни, балки бутун бир тизимни такомиллаштириш ва ривожлантириш имконини яратади¹.

Тадқиқот усуллари.

Хизматлар бозорида кўрсатилаётган хизматлар шартли равишда истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматларга бўлинади. Шунингдек, ушбу хизматларни тақдим этилиш муддатига қараб, бир вақтда ҳам истеъмолчиларга, ҳам тадбиркорлик субъектлари (корхоналари)га кўрсатиладиган хизматларга таснифланади. Бугунги кунда республикамиз ижтимоий-иқтисодий тизимида амалга оширилаётган сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда анча самарали фаолият турларини ўз ичига олмоқда, чунки хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларнинг айланиш тезлиги анча юқори бўлиб, бунда муҳим жиҳат даслабки фаолиятни бошлаш учун камроқ миқдорда инвестицияларни талаб этади.

Натижалар ва муҳокамалар.

Бухоро вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳудудда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий йўналиши сифатида сервис хизматлари сони ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Вилоятда жами хизматлар ҳажми 2022 йилда 15780,0 млрд. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2,4 мартага ўсган. Ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳасида юқори даражада ўсиш сўрватига эга тармоқлар сифатида молиявий хизматлар (4,7 марта), таълим хизматлари (3,0 марта), мос равишда савдо ва шахсий хизматлар (2,3 марта), соғлиқни сақлаш хизматлари (2,2 марта), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари (2,1 марта), ижара хизматлари (2,1 марта), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар (192,6 %) ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (165,2 %), транспорт хизматлари (135,8 %), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлари (164,4%) нисбатан пастроқ ўсиш тенденциясига эга бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Бухоро вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида хизматлар турлари бўйича ҳажми² (млрд. сўм)

Соҳалар ва тармоқлар	Йиллар					2022 йил 2018 йилга нисбатан ўсиш, (%)
	2018	2019	2020	2021	2022	
Жами хизматлар	6631,6	8413,2	9843,1	12574,1	15780,0	2,4 марта

¹<https://staff.tiame.uz/storage/users/466/books/DOOzG412OiqAU2XdOFRUlkM4D0k9giBNeWe4MrlF.pdf>

²Манба: Бухоро вилояти статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шу жумладан:						
Алоқа ва ахборот-лаштириш	375,8	376,9	419,0	506,5	620,7	165,2
Молияхизматлари	659,9	1150,5	1633,5	2086,4	3119,8	4,7 марта
Транспорт хизматлари	1771,5	1983,9	2238,4	2906,5	3310,8	186,9
Шу жумладан: авто-транспорт хизматлари	1639,1	1842,3	2128,1	2621,1	2915,4	177,9
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	305,8	405,1	367,8	465,2	597,7	195,5
Савдо хизматлари	2189,6	2721,6	3353,0	4062,7	5049,5	2,3 марта
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	172,1	232,9	209,4	282,6	331,5	192,6
Таълим хизматлари	281,4	415,6	517,3	723,6	839,6	3,0 марта
Соғлиқни сақлаш хизматлари	124,7	156,9	153,2	223,2	276,0	2,2 марта
Ижара хизматлари	178,2	216,0	223,3	314,0	378,3	2,1 марта
Компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш	150,9	169,9	190,6	253,9	317,7	2,1 марта
Шахсий хизматлар	141,7	170,1	185,0	258,7	331,2	2,3 марта
Меъморчилик, муҳандислик, техник синовлар, ватаҳлил соҳасидagi хизматлар	81,8	147,9	100,9	117,2	134,5	164,4
Бошқа турдаги хизматлар	198,2	265,9	251,7	373,6	472,7	2,4 марта

Таъкидлаш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун, мазкур соҳа қанчалик даражада динамик ривожланиш тенденциясига эга бўлса, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари ҳам шунчалик юқори бўлади.

Бухоро вилоятида кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳудудлар кесимида таҳлил қилсак, ўсиш динамикаси бўйича энг паст кўрсаткич Бухоро шаҳри ҳиссасига (159,3%) тўғри келади. Туманлар кесимида юқори кўрсаткич Пешку (5,3 марта), Жондор (4,7 марта), Вобкент (4,6 марта), Шофиркон (4,2 марта), Ромитан (4,0 марта) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2-жадвал

Бухоро вилояти бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми¹ (млрд. сўм)

Ҳудудлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2022 йил 2018 йилга нисбатан ўзгариш, (%)
Бухоро вилояти	6631,6	8413,2	9843,1	12574,1	15780,0	2,4 марта
Бухоро шаҳри	3794,4	3129,5	3737,8	4650,1	6044,6	159,3
Когон шаҳри	240,1	319,9	355,2	443,2	572,3	2,4 марта
<i>туманлар:</i>						
Олот	169,4	325,4	375,0	446,2	538,9	3,2 марта
Бухоро	251,9	487,3	574,3	675,5	834,8	3,3 марта
Вобкент	231,2	437,1	447,7	825,6	1053,3	4,6 марта
Ғиждувон	717,7	1143,7	1301,1	1684,4	2007,3	2,8 марта

¹Манба: Бухоро вилояти статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Когон	170,7	284,0	315,8	424,8	517,3	3,0 марта
Қорақўл	202,0	392,1	438,6	548,9	674,5	3,3 марта
Қоровулбозор	128,1	152,4	196,7	238,9	261,3	2,0 марта
Пешку	164,0	445,0	547,6	688,3	871,7	5,3 марта
Ромитан	219,3	463,2	517,2	690,8	872,9	4,0 марта
Жондор	177,7	437,1	598,5	699,8	835,1	4,7 марта
Шофиркон	165,1	396,5	437,6	557,6	696,0	4,2 марта

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 2018 йилда 57,2 %и Бухоро шаҳри ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 38,3 %ни ташкил этган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, хизматлар соҳасининг ривожланиши аста-секинлик билан туманлар кесимида ҳам жадаллашмоқда. Хусусан, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг юқори улушига эга бўлган Гиждувон ва Вобкент туманлари мос равишда 2018 йилдаги улуши 10,8% ва 3,5%ни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 12,8 % ва 6,7 %ни ташкил қилган. Бу эса туманларда ҳам хизматлар соҳаси жадал ривожланиш тенденциясига эга эканлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Бухоро вилояти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми¹ (минг сўм)

Худудлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2022 йил 2018 йилга нисбатан ўзгариш, (%)
Бухоро вилояти	3522,8	4406,3	5085,5	6409,0	7916,5	2,2 марта
Бухоро шаҳри	13693,3	11216,7	13316,0	16459,1	21001,7	153,4
Когон шаҳри	3974,3	5252,8	5794,0	7155,8	9077,8	2,3 марта
<i>туманлар:</i>						
Олот	1755,5	3313,3	3768,8	4429,7	5279,2	3,0 марта
Бухоро	1559,9	2958,5	3426,6	3960,3	4810,7	3,1 марта
Вобкент	1702,6	3162,8	3188,9	5795,1	7278,3	4,3 марта
Гиждувон	2419,7	3797,3	4261,6	5443,0	6383,5	2,6 марта
Когон	2267,0	3683,6	4013,2	5294,0	6317,9	2,8 марта
Қорақўл	1264,2	2412,7	2667,6	3301,3	4002,4	3,2 марта
Қоровулбозор	7156,4	8376,3	10688,0	12725,4	14952,0	2,1 марта
Пешку	1377,3	3666,0	4433,8	5478,4	6820,7	4,9 марта
Ромитан	1594,5	3311,1	3629,8	4761,7	5913,1	3,7 марта
Жондор	1048,5	2532,8	3414,2	3932,7	4618,4	4,4 марта
Шофиркон	955,1	2259,1	2460,0	3092,1	3803,0	4,0 марта

Бухоро вилояти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмига назар солсак, вилоят бўйича бу кўрсаткич 2018-2022 йиллар мобайнидан 2,2 мартага ошган. 2022 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми энг юқори Бухоро шаҳри (21001,7 минг сўм), Қоровулбозор тумани (14952,0 минг сўм), Когон шаҳри (9077,8 минг сўм) ва Вобкент тумани (7278,3 минг сўм) ҳиссасига тўғри келган. Мазкур хизматларнинг аҳоли жон бошига нисбатан улушининг динамик ўсиш кўрсаткичи 2018-2022 йилларда энг юқори худудлар сифатида Пешку (4,9 марта), Жондор (4,4 марта), Вобкент (4,3 марта), Шофиркон (4,0 марта) ва Ромитан (3,7 марта) туманлари ҳиссасига тўғри келган (4-жадвал).


¹Манба: Бухоро вилояти статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

4-жадвал

Бухоро вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши¹ (жамига нисбатан %да)

	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
ЯХМ, жами	100	100	100	100	100	100	100
Хизматлар	33,7	32,3	30,7	30,4	29,0	29,5	29,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8,1	7,5	7,3	7,1	7,2	7,1	7,5
бошқа хизматлар	18,1	17,5	17,1	17,8	16,6	16,9	16,2

Бухоро вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши бўйича кўрсаткичларга назар солсак, 2016 йилда жами хизматларнинг ЯХМдаги улуши 33,7 %ни ташкил этган бўлса, бў кўрсаткич 2022 йилда 7,5 % бўлган. Шунингдек, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмининг ЯХМдаги улуши 2016 йилда 8,1 %, 2022 йилда 7,5 %ни ташкил қилган (4-жадвал, 5-расм).



5-расм. Бухоро вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши² (жамига нисбатан %да)

Ҳозирги кунда, умумий овқатланиш корхоналари таркибида ресторан, кафе, барлар муҳим ҳисобланиб, асосий ўринни эгаллайди. Булар аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва уларни ҳордиқ чиқаришини ташкил қилишда муҳим асосий восита ҳисобланади. Бутун дунёда ресторанларда мижозларга хизмат кўрсатиш самарадорлиги фақатгина моддий-техник база ва сифатли хизмат кўрсатишни ўз ичига олмасдан, балки ходимларнинг ташқи кўриниши, хушмуомалалиги ва маданий савиясига бевосита боғлиқдир.

Ресторан хизматлари кўрсатишнинг муҳим тамойили сифатида ҳўжалик фаолияти натижасида кўрилган даромадлар ҳисобига хизмат кўрсатиш харажатларининг нисбий даражасини пасайтириш, хизматлар сифатини оширишга эътибор қаратиш ҳамда ишчи-ходимларнинг моддий рағбатлантириш тизимини ривожлантиришни ҳисобга олиш керак. Инновацион иқтисодиёт шароитда хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятининг энг муҳим ва биринчи даражали мақсадларидан бири хизмат кўрсатиш жараёнларида ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўллари аниқлашдан иборат. Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш юқори иқтисодий самарадорликка эришиш ва натижадорликни ошириш имкониятини беради. Шундай экан, хизмат кўрсатиш жараёнлари самарадорлигини

¹Манба: Бухоро вилояти статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

²Манба: Бухоро вилояти статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

ошириш истеъмолчиларни хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш, унинг вақтини қисқартириш ҳамда хизматлар сифатини таъминлашга боғлиқдир. Масалан, агарда савдо залида ходимнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда чакана савдода товар айланмаси даражасининг юқорилиги, бу ҳали ишчилар меҳнати самарадорлигини ошаётганлигини билдирмайди.

5-жадвал маълумотларига кўра, Бухоро вилояти чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, барча савдо тармоқларида сотиш ҳажми 2018-2022 йилларда 2,2 мартага ўсган. Шунда шаҳарларда – 2,0 марта, қишлоқ жойларда 2,7 мартага ошган. Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажми ушбу даврлар оралиғида озиқ-овқат товарлари ҳажми 26,0 мартага, ноозиқ-овқат товарлари ҳажми эса 44,2 %га ошган.¹ Вилоятда аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 2018-2022 йилларда 3,8 %га камайган. Овқатланиш ташкилотлари сони 2018 йилда 686 тадан 2022 йилда 1082 тага ошган. (5-жадвал).

5-жадвал

Бухоро вилояти чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, барча савдо тармоқларида сотиш ҳажмининг асосий кўрсаткичлари²

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2022 йил 2018 йилга нисбатан ўзгариш, (%)
Чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, барча савдо тармоқларидасотиш, млрд. сўм, шундан:	6578,5	8375,1	10309,2	12072,8	14605,3	2,2 марта
Шаҳарларда	4605,0	5862,5	7216,4	8451,0	9246,2	2,0 марта
қишлоқ жойларда	1973,5	2512,5	3092,8	3621,8	5359,1	2,7 марта
Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмидан, млрд. сўм:	6374,5	8121,7	9992,0	11468,0	14194,4	2,2 марта
озиқ-овқат товарлари	204,0	253,3	317,2	343,9	5296,8	26,0 марта
ноозиқ-овқат товарлари	6170,5	7868,4	9674,8	11124,1	8897,6	144,2
Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси, минг сўм	3543,1	4454,9	5398,9	6103,1	3409,5	96,2
Чакана савдо тармоқларида товар захиралари (йил охирига, консигнациятоварларини қўшган ҳолда)	146,1	221,2	270,0	318,8	491,1	3,4 марта
жами, млрд.сўм	238,3	308,6	454,7	540,0		2,3 марта
товар айланмаси кунларида	23,7	37,2	58,2	71,1	39,0	164,6
Чакана савдо объектлари (йил охирига)	9776	1070,0	9272,0	14531	11763,0	120,3
жами, минг						
10000 аҳолига	52,0	50,0	54,0	74,0	119,0	2,3 марта
Овқатланиш корхоналари, бирлик	686	942	695	334	1082	157,7

¹Манба: Бухоро вилояти статистика Бош бошқармаси маълумотлари.

²Манба: Бухоро вилояти статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Хар қандай жамият ривожланишининг асосини меҳнат ташкил қилади. Иқтисодийнинг соҳалари ва тармоқларида бўлгани каби умумий овқатланиш соҳасида, хусусан, ресторанларда ҳам меҳнат фаолиятини оқилона ташкил этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Ҳар бир ресторандаги меҳнат жараёнлари бевосита маҳсулотлар ва хизматлар ҳаракати билан боғлиқдир.

Хулоса.

Ресторанлар кохоналарида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ходимлар ва мижозлар ўртасида ўзаро муносабатларни таъминлаш асосида хизматлар самарадорлигини ошириш, яхлит тизим ичида махсус тамойиллар асосида функцияларни интеграциялаш ҳамда мувофиқлаштиришдан иборатдир. Шунинг учун ресторан корхоналарида хизмат кўрсатиш жараёнларини оқилона ташкил этиш мижозлар эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва уларнинг максимал хордиқ чиқариш имкониятларини яратиш орқали хизматлар бозорининг мазкур секторида рақобат устунлигини таъминлаш ҳисобланади. Шу орқали ресторанларда мижозларга сифатли хизматлар кўрсатиш ва эксклюзив хордиқ чиқаришини таъминлаш, бир томондан, уларнинг рақобатбардошлигини таъминласа, иккинчи томондан, даромадлар ҳажмини оширади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ресторан корхоналарида иқтисодий самарадорликка эришиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқариш тизимини модернизациялашда илмий асосланган компетентли ёндашув рақобат устунлигига эришиш воситаси ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2021 йил 30 сентябрдаги ПФ-6318-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 16 июндаги ПҚ-4752-сон Қарори
3. Воронина Э. М. Менеджмент предприятия и организации. М.: 2004. 172-1174-бет.
4. Кротова Н.В., Клеппер Э.В. Управление персоналом: Учебник – М.: Финансы и статистика, 2005. – 402 с.
5. Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008.
6. Мазур И.И. Управление качеством: учеб.-М.: Омега-Л, 2007.-40-41 с.
7. Москвин В.А. Управление качеством в бизнесе: Рекомендации для руководителей предприятий, банков и риск-менеджеров. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 384 с.
8. Пардаев М.Қ. Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари. Т.: «Фан ва технология». 2007. 32-б. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008 й. 259 б.
9. Райс В. Контроль издержек в ресторанном бизнесе. – М.: Креатив 49 Холдинг, 2006. – 96 с 23. Кристофер Эгертон-Томас Ресторанный бизнес. – М.: РосКонсалт, 2004. – 272 с.
10. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Услуги, технологии и продукты в туризме. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. – 624 с.
11. Чарыева М.О. Интегрированный подход к формированию инфраструктуры общественного питания современного мегаполиса: Теория, Методология, Стратегия Дисс.. уч. ст. д-ра.экон, наук Москва 2009.

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz
2. www.lex.uz
3. www.stat.uz
4. www.buxstat.uz